

АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 6 ОКТАБРЬ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 41 (587) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бунёдкорлик


Сайёҳлик харитасида янги йўл

Мамлакатимизнинг қадимий ва гўзал шаҳри Самарқанд кун сайин ободонлашиб, кўркемлашиб бормоқда. Айниқса, йўл қуриш, мавжудларини таъмирлашга катта эътибор қаратиляпти

Хозир шаҳарнинг Афросиёб тарихий тепаликлари атрофида янги айланма йўл барпо этилмоқда. Бунёдкорлик ишлари якунига етгач, очик музейга айлантириш мўлжалланган Афросиёбни хорижий сайёҳлар ҳар томондан томоша қилиш имконига эга бўлади.

Автотранспорт воситалари ва пиедалар учун махсус йўл қури-

лиши гоят сифатли ва тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Бу ишда бош пудратчи — "Самарқанд-автотўй" акциядорлик бирлашмаси кўплаб замонавий техникаларни, йўлсозларни сафарбар этган. Йўл қуриш баробарида унинг атрофида кўркем инфратузилма ҳам барпо этилмоқдаки, бу Самарқанднинг сайёҳлик харитасида янги манзилгоҳлар пайдо қилмоқда.



Суратларда: 1. «Самарқандавтотўй» бирлашмасининг моҳир қурувчиси Абдусаттор Холмуродов. 2. Янги барпо этилган йўллар. Зоҳир ТўРАҚУЛОВ олган суратлар.

Таълим фидойилари

Шарафли касбни ардоқлаб

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини арафасида Президентимиз Фармонида кўра алоҳида ўрнатилган байрам табригида "Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир", деган сўзлари соҳа ходимларини янада руҳлантириб юборди, гурур бағишлади, қолаверса уларнинг жамиятдаги касб даражасига яна бир улут таъриф берилди.

Бундан мен ҳам гурурландим. Боиси, 31 йиллик педагогик фа-

олиятим даврида ёшларга илм бердим, кўплаб шогирдлар етиштирдим. Бу касбнинг машаққатли, бироқ шарафли эканлигини дилдан хис қилдим. Бу йўлда меннинг ҳам устозларим борлигидан фخرланаман.

Соҳа ходимларига кўрсатилган эътибор мустақиллик йилларида юрт равнақи, келажак авлод тарбияси, уларнинг чуқур билим ва салоҳият соҳиб бўлиб вояга етишида астойдил меҳнат қилаётган фидойи педагогларимизни кўплаб-қуватлаш борасида қилинаётган юксак эътиборнинг узвий давомидир. Зеро, ўқитувчилар ва мураббийларга бийлдирилган бундай ишонч ва эътибор олижаноб касбни янада ардоқлаб, маърифатли ўқил-қизларни тарбиялашда янгидан-янги гоилар, ташаббус ва куч-ғайрат билан ишлашга ундайди.

Ю.НИШОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Ҳам раҳбар, ҳам мураббий

Асал Бахромованинг «Шухрат» медали билан таъдирлангани барча жамоадошларини қувонтирди



Мен ҳар гал опани учратганимда ташвишлар билан олиб-юғуриб юрганга гувоҳ бўламан. Салом-алиқдан сўнг зарур ишлар билан кетаётганини айтиб, ўз сўрайдиган Тўғрида, аёл боши билан катта бир жамоага раҳбарлик қилишнинг ўзи бўладими. Мактабдаги ишлари, кундалик режаларини битириб, уйга боргач, набираларини эркалаб, келини дамбаб қўйган кўк чойдан бир пиёла ичиб, чарчоларини унутди. Дарвоқе, ахил жамоанинг туя-тантаналари, маракалари опа иштирокида ўтмайди. Барча тадбирга ўзи бош-қош. Яқинда Асал Бахромовани ҳамжамаслари, жамоадошлари қизгин кулалашди.

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларни муқофотлаш тўғрисидаги Президентимиз Фармонида Нишон туманидаги 2-ўрта мактаб директори Асал Бахромованинг ҳам исми-шарфи борлиги нафақат мактаб жамоаси, балки бутун туман маорифчиларини ҳам қувонтирди. Мактабга раҳбар бўлиб фаолият кўрсатган йиллари А.Бахромов уқув-тарбия ишларини жонлантирди. Илгор педагогик тажрибаларини қўллашга,

ўқувчиларда Ватан туйғусини тарбиялашга жиддий аҳамият қаратди. Айни вақтда илм максанида таълим-тарбия олаётган 650 нафар ўқувчига 60 нафар маърифат жонқуярлари фан сирларини ўргатишаётди. Ўқувчилардан Араб Ҳамдамов II даражали "Соғлом авлод" ордени, жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Саид Раҳимов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони соҳиблари. Норбой Юсуфов, Зулфия Алиқуллова, Жумагул Қозимова, Ботир Утебергенов сингари ўқитувчиларнинг илгор педагогик иш тажрибалари омалаштирилган.

— Асал опани биз нафақат раҳбар, балки тажрибали устоз сифатида ҳам эъзозлаймиз, — дейди ўқитувчи Клара Жураева. — Ортирган тажрибаларимизда устозимизнинг ҳиссаси катта.

Республикада ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" мусобақаларида ҳам мактаб ўқувчилари фазол иштирок этиб, жамоа шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умулмиллий дастури, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам қувонарли. Яқинда салкам 50 йил бурун қурилган мактаб биносини дастур асосида капитал реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Бино атрофини ободонлаштириш, қўлай шарт-шароит яратиш ҳам директорининг доимий назоратида.

Фидокорона меҳнатлари боис Асал Бахромов "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси", "Қашқадарё халқ таълими фидойиси" кўрак нишонлари ва Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан таъдирланган.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига пукта хозирлик қўрилаётган айни кунларда мактаб жамоаси юбилейга қизгин тайёргарлик кўраётди. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида Қаршининг тарихи мавзусида сўхбатлар уюштирилмоқда.

Шавкат СУТОНОВ,
"Адолат" мухбири

Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳаси: 9 ой якунлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуининг жорий йил 9 ойидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Хисобот даврида соҳа корхоналарининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ҳамда устувор давлат дастурларини бажаришга, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилди.

Жорий йилнинг 9 ойи натижалари бўйича салкам 415 миллиард сўмлик (2005 йилнинг 9 ойидагига нисбатан 138,3 фоиз ўсиш), жумла-

дан алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 383,4 миллиард сўмлик, ахборот ва матбуот соҳасида 31,5 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури, инвестиция дастурининг бажарилиши таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбарларнинг ўшбу вазифаларни бажаришдаги масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуи таркибига кирувчи идораларда 2006-2007 йиллар кузги-қишқи мав-

сумни муваффақиятли ўтказиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг соҳалар фаолиятига оид қонунлари, Президент фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг сифатли, тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, идора ва ташкилотлар бошқарувининг барча бўғинлари иш фаолияти самарадорлигини, раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, жорий йил тўртинчи чора-тадбир режаларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисида идоралар томонидан тайёрланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва экспорт режаларини ошириб бажариш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Шарҳ

Дўстлик ва қардошлиқда янги саҳифа

Тарихнинг минг-минг йиллик даврлари гувоҳ қадим-қадимдан замани заминига, осмон осмонига туташ Ўзбекистон ва Қирғизистон кенгликларидан ота-боболаримиз бир-бирларига оғанини, қуд-қудагай бўлиб ҳаёт кечирганлар. Поёнсиз далаларда бирга экин экканлар, сарҳадсиз ййовларда чорва боққанлар, Буюк Ипак йўли манзилгоҳлари бўйлаб савдо-сотиқ қилганлар. Непе босқунлар-у қирғинларда ристалли тулпоримиз бағрини ёнма-ён ҳимоя қилиб, Широқ, Тумарис, Алпомиш, Гўруғли, Манас сингари унлаб қаҳрамонлари мадҳини бири қўлиб, бири сўйиб қўйлаган.

Шу ҳафта мамлакатимизга Республика Президенти Ислон Каримов тақдирлаб берилган Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев расмий таъриф буюрган кўнлар барчамизнинг уй-халқимизда ана шу тарихий ўтмиш саҳифалари жонлангани, табиий. Бу — икки халқ, икки миллат, икки давлатнинг тарихи ҳам, тақдирини ҳам азаллиқ боглиқлигидан, Оллоҳ берган насибалири билан бирлигидан далолат. Боя айтганимиздек, замани заминимизга, осмон осмонимизга, суви сувимизга туташ, тили, дини, урф-одатлари, маданияти ва санъати ҳам мушаррак.

Зеро, бугунги аср, бугунги кунларда ҳам Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳар тарафлама алоқаларда ахил қўшничилик, самимий дўстлик, узвий қардошлиқ ва узро ишонч таъминлари бағоят муҳим моҳиятга эга. Шу боиски, мартабали меҳмон Дўрмон Қароргоҳидаги расмий кутуб олиш чоғида айтди: «Биз мамлакатларимиз ўртасида тузилган Абдид дўстлик тўғрисидаги шартноманинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Бугунги саммит Қирғизистон ва Ўзбекистон абадий дўстлик тамойилларига асосан ҳамкорлик қилиб келаётгани, алоқаларини ана шу тамойиллар асосида ривожлантиришга интилаётганидан яна бир далолатдир...»

Дарвоқе, таъриф давомиди меҳмон (оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда, Темиришлар тарихи давлат музейида, Мустақиллик ва эзгулик монументида, мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенати ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, Самарқанд шаҳри билан танишувларида) қаерда бўлмасин, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истикболлар борасидаги масалалар билан жиддий мулоқотларда бўлди. Жумладан, Президентимиз Ислон Каримов меҳмоннинг диққат-эътиборини энг глобал муаммоларга — Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавф-

сизлик шартномаси ташкилоти, ШХТ доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда иккала давлат манфаатларини қизиктирган бошқа долзарб халқаро муаммоларга қаратди.

Муҳими, мулоқотларда томонларнинг минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари бир хил ёхуд яқинлиги маълум бўлди. Хусусан, Президентларнинг халқаро террорчилик ва диний-экстремистик оқимларга қарши курашда иккала давлат куч-ғайратларини бирлаштириш даркорлиги тўғрисидаги фикрлари бир жойдан чиқди.

Саммит чоғида ҳар икки томон раҳбарлари мамлакатларимиз давлат чегарасида назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор бердилар. Масалан, чегара, хавфсизлик, божхона хизматлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва уларни мувофиқлаштиришга қатъий келишиб олишди. Чегара делимитацияси борасида олиб борилаётган ишлар жараёнларини таҳлил қилишди.

— Президентлар ўзаро мулоқотлари давомиди Ўзбекистон ва Қирғизистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарали фаоллигига ҳам катта туртки берди, — дейди ўз таассуротларини баён қилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, "Адолат" СДП Сийосий Кенгаши котиби Собиржон Турсунов. — Чунончи, бу галги саммит икки томонлама муносабатларимиз ривожидида истикболли имкониятлар очилди, мамлакатларимиз манфаатлари ва ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришда муҳим кадам бўлиши, шаклсиз. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мундоффа ва Хавфсизлик масалалари Қўмитаси аъзоси сифатида — менда иккала давлат раҳбарларининг БМТ Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, ШХТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ва хавфсизликни биргаликда таъминлаш борасидаги яқдин қарашлари катта таассурот қолдирди.

Бунда, албатта, 8 сентябрь кунини Қозғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисида имзоланган ҳужжат жуда катта тарихий аҳамиятга эга. У минтақамиз давлатларининг дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшадиган ҳужжатдир...

Музокараларда Президентлар гарчанд ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини да йил сайин ўсиш кузатилаётган

бўлса-да, бироқ умумий кўрсаткичлар томонларини ҳали у қадар қониктирмаётганлигини таъкидладилар. Чунончи, минерал ҳомаёе захираларини ўзлаштириш зарурлигини, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасида кўплаб қўшма корхоналар очилиш имкониятларини, борлигини, транспорт коммуникациялари ва гидрорезергетика шохобчаларини ривожлантириш шарт-шароитлари мавжудлигини тангал кўрсатиб ўтишди.

Айни чоғда музокараларда ишбилармон доираларнинг вакиллари рағбатлантириш, уларнинг ўзаро, ижобий мулоқотларини кўплаб-қувватлаш масалалари ҳам назардан четда қолмади. Илм-фан, маданият, санъат ривожини, спорт, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари ҳамда Парламентлараро алоқалар сингари ижтимоий-сиёсий ҳамкорликларга катта уруғ берилди.

Шубҳасиз, бу музокара ва мулоқотлар тафсилоти ҳамда ўзаро келишувлар баёнлари Президентлар имзо чеккан Қўшма баёнотда ҳамда 2007-2011 йилларга мўлжалланган иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда дастурларда ўз аксини топди.

Ҳукуматлараро ва идоралараро имзоланган битимларда эса мамлакатлар ўртасидаги ҳукуматлар алоқаси, фуқароларнинг ўзаро бориқ-келиси, ҳуқуқий ёрдам, ҳамкорлик, сайёҳлик каби бир қатор соҳалар тараққиёти муфассал баён этилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Қирғизистон Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги мулоқотлари чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар тарафлама ҳамкорликнинг кенгайишида, хусусан, унинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланиб боришида Парламентлараро алоқаларнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш билан бир Парламентлараро партиялар фракцияларининг ўрни ва фаолияти билан ҳам қизиқди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ўзбек ва қирғиз халқлари тарихий барча даврларда бир бўлгани ва улар доим ёнма-ён қадим ташлаганларидек, ўртадаги дўстлик ҳамда қардошлиқнинг янги саҳифалари бугун янгидан ўз очмоқда. Мустақил миллати, мустақил давлати, мустақил Ватанига эга бўлган халқларимиз тарихий энди янаям янги босқичга ўтмоқда. Шубҳасиз, бу янги саҳифа ва янги босқич-иккала қардош халқнинг ҳар бир фуқароси қалбига қалқин ҳарорат, қайноқ ёғду бахш этиб, уларни янги-янги олижаноб мақсадларга, савобли, хайрли ишларга ундажак.

Д.САЪДУЛЛАЕВ,
"Адолат" мухбири

Қалбида эзгулик ёғдуси бор

Келажакимиз эгалари — ўсиб келаётган ўш авлоднинг таълим тарбиясини ўз зиммасига олган устозларга халқимизнинг меҳр-муҳаббатига эга. Истиқлол йилларида эса бу шарафли ва масъулиятли касб соҳибларини янада руҳлантириб юборди, гурур бағишлади, қолаверса уларнинг жамиятдаги касб даражасига яна бир улут таъриф берилди.

Президентимизнинг юртимиз ўқитувчилари ва мураббийларига йўллаган байрам табригида «Чиндан ҳам ўқитувчи наиники синф хонасига фойз ва зиё олиб киради, балки минг-миглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактабини берадиган муътабар зотдир», дея юксак баҳо берилгани, қолаверса фармонга мувофиқ соҳада самара-

ли меҳнат қилаётган, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган ўқитувчи, мураббий ва педагогларнинг давлатимизнинг юксак унвон ва медаллари билан тақдирланиши уларга янада жўшқинлик, куч-ғайрат бағишлади.

И.САФОНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Адолат" СДП фракцияси аъзоси



• Ўзбекистон Республикаси Баддий академиясининг марказий кўргазмалар залида "Монументал ҳизматлар-2006" халқаро кўргазмаси очилди.

• Парижда Темирий даври тарихи ва санъатини ўрганиш бўйича Ассоциация асосини ва президент, профессор Люсьен Керен қаламига мансуб "Самарқандга, Темир даврига сәҳах" китоб альбомининг учинчи нашри босмадан чиқди.

• Германияда дунёдаги энг йирик китоб намойиши ҳисобланган 58-халқаро Франкфурт китоб ярмаркаси очилди. Унда дунёнинг 113 та давлатдан олиб келинган 7 минг-

дан зиёд китоб ва ноширликка оид экспонатлар ҳавола этилди.

• Тошкентда "Automotorshow Uzbekistan-2006" халқаро кўргазма иш бошлади. Унда Озарбайжон, Россия, Германия, Украина, Тайвань, Сингапур, Латвия, БАА, Польша ва Ўзбекистондан 30 дан зиёд компаниялар иштирок этиши кутулкимоқда.

• Google Maps географик сервисида Германия далаларида сунъий йўлдош орқали суратга олинган баҳабат ҳаширотнинг тасвири пайдо бўлди. Унинг катталиги қарийб 50 метрга етди.

• Жорий йилда 95 минг гектар сугориладиган майдонга уруғ се-

пишни мўлжаллаган Сурхон воҳаси галлакорлари экиш ишларини бошлаб юборишди.

• Поштаимиздаги Фото уйида "Тоза нигоҳ ила" деб номланган кўргазма очилди.

• Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. 120 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан вакилимиз, Олимпиада чемпиони Артур Таймазов саралаш беллашувида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, галаба қозонди.

• Олма-отда учинчи мартаба "Евроосиё" халқаро фестивали бўлиб ўтди.

• Туркия ҳаво йўллари самолётини гаровга олган шахслар Италия ҳукуматида таслим бўлди. Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги хабарига қараганда, самолёт Италиянинг Бриндизи шаҳрида қўниб, ундаги барча гаровдагилар озод этилган.

Қарор ва ижро

Имтиёз берган имконият

Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодий барқарорлигининг муҳим шартларидандир. Шу боис юртимизда бу масалага устувор аҳамият берилляпти. Президентимиз Имом Каримовнинг 2006 йил 22 июнда қабул қилинган «2006-2008 йилларда маҳаллий хомашё негизда тайёр маҳсулот, бутловчи бўмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарори аниқ шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Иқтисодийнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун унинг ташки омиллари боғлиқлигини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қарор асосида тасдиқланган Дастур ҳам шуни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жаддалаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш асосида замонавий, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, янги иш жойлари яратишга қаратилган.

Ушбу Дастур саноат маҳсулотлари, бутловчи қисм ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар, хомашё, спорт анжомлари, ўқув ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга оид қўллаб-қувватловчи қўлланмаларни ўз ичига олган, — деди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бевосита солиқлар бошқармаси бош-

лиги ўринбосари Ўбайдулла Нуриддинов ўза муҳбирига. — Уларда маҳаллий хомашё негизда замонавий рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли корхоналарга 2009 йилнинг 1 январига қўллаб-қувватловчи имтиёзлар берилди.

Хусусан, бутловчи қисм ва деталлар, тайёр маҳсулот турлари, материаллар, хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналар четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштирилмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнда фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан озод қилинган. Божхона расмийлаштируви учун тўланадиган йўллар бундан мустасно, албатта. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад (фойда) солиғи — соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун — ягона солиқ тўлови тўлашдан ҳамда маҳаллийлаштирилмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинди.

Спорт анжомлари ва ўқув ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳасига киритилган корхоналар давлат бюджети, давлат мақсадли фондлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси кафолати билан халқаро ва хорижий молия му-

ассасалари томонидан берилмайдиган хорижий грантлар ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилиши кўзда тутилган лойиҳалар бўйича тендер (танлов) савдоларининг қўлбўлали сифатида аниқланса, уларга ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

Ушбу имтиёзлар туфайли тежаландиган маблағлар ҳўжалик субъектларининг молиявий самарадорлигини оширишга, жумладан технология ускуналарини модернизация қилишга, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, дастурни амалга оширишга жалб этилган муҳандис-техник ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида берилган ана шундай имтиёзлар туфайли маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган «Навоий» ишлаб чиқариш бирлашмаси 56, «Андижонкабель» қўшма корхонаси 59,6, «Дойче кабель» қўшма корхонаси 52,3 миллион сўм фойда солиғидан озод этилди. Мол-мулк солиғидан озод этилган анча маблағ ҳам корхоналар ихтиёрида қолди.

Натижада тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш салоҳияти яхшиланиб, бозорларимизда маҳаллий хомашёдан тайёрланган сифатли маҳсулотлар ҳажми кўпаймоқда. Буларнинг барчаси пировардидан мамлакатимиз иқтисодийнинг ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ

Котибдан хушxabарлар

Жамиятда илм-фан, маънавият ва ахлоқ

тамоийшларининг устувор бўлишига ўзини сафарбар деб билган «Адолат»чилар ҳам маънавият, ҳам партия юяси ва мақсадлари тарғиботида янгича мазмун киритмоқдалар

Айни кўнларда «Адолат» СДП фаоллари жамиятда илм-фан, маънавият ва ахлоқнинг устувор бўлишига эришиш, шунингдек ёшларнинг қўлбўлали инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўлишига ўзини чинакам сафарбар этган. Бу вазифа партиянинг дастурий мақсадларида ҳам эътироф этилган. Шу боисми партия сифатидаги аъзоларнинг аксарият қисмини ўқитувчилар ва устувор ташкил қилади.

«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши миллининг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган касб эгалари — ўқитувчилар ва мураббийлар қўнини катта тантаналар билан нишонлашга аҳд қилиб қўйган. Бу тадбирларни ўтказишда бевосита ҳудудий ташкилотлар фаолларининг ўрни беқийс бўлди. Кўтаринки руҳда утган бу байрамларнинг аксарияти ўқитувчилар меҳнат қиладиган ва уларнинг тарбияланувчилари таълим оладиган ўқув даргоҳларида ўтказилиши бежиз эмас. Мана шу тадбирлар орқали була-

жак «адолатчилар»ни партия сифатида ҳазирданқ жалб этиш, уларнинг партиянинг низомидаги фаолияти дастурларини таништириш асосий мақсад этиб белгиланди.

Чилонзор туманидаги 22-мехрибонлик уйида, Ҳамза туманидаги 244-мактабда, Яққасарой тумани Низомиёй номли педагогик университетида, Юнусобод туманидаги 136-мактаб-боғчада, М.Улуғбек тумани Компьютер ва технология Академик лицейида бўлиб ўтган тадбирлар туман партия котиблари ташаббуси билан ўтказилганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу тадбирларда нафақат фаолиятида, балки кўп йиллар ўқитувчи сифатида меҳнат қилган фахрий, нуруний устуворларга эсдалик совгалар топширилгани, уларга илқ истаклар билдирилгани партия мақсад ва гояларининг ўзига хос тарғибот ва ташвиқоти сифатида намоён бўлди.

Фарида ФАРМОНОВА,
«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи котиби

Устозини ва унинг фидойи меҳнатини қадрлаш халқимизнинг азалий одатларига кирди. Сабаби, бешиқдан то қадрлаш илм излаш, маърифатга ошнолик қон-қонимизга сингиб кетган. Республиканинг барча вилоятида бўлгани каби 1 октябрь кўни — ўқитувчилар ва мураббийлар кўни Сўрхондарё вилоятида ҳам кўтаринки кайфият билан қарши олинди. Хусусан, Термиз, Қўмқўрган, Денов ва Мўзобот туманларида «Адолат» СДП вилоят Кенгаши ташаббуси билан байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Бу тадбирларда муаллим-устуворларнинг ҳаётидан йиллар бадийи саҳналаштирилиб, йилгиланларга намойиш этилди. Учрашувларда фахрий ўқитувчилар ва билим беришдан ҳорматланган муаллимлар иштирок этиб, уларга туман «Адолат» СДП Кенгашилари томонидан эсдалик совгалари топширилди.

Шу кўни «Адолат» СДПдан сайланган вилоят Кенгаши депутати Бахтиёр Жумаев раҳбарлигидаги Қўмқўрган туманидаги «Нуробод» фермер ҳўжалигининг 20 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан

ҳосил қўтариб, шартнома режасини муддатидан олдин бажарди. Байрам байрамга уланиб, «Нуробод» фермер ҳўжалиги ўз ҳўмийлигига олган мактаб ўқитувчиларини ва жамоасини 1 октябрь кўни билан табриклаб, уларга совга-саломлар улашди.

Вилоят Кенгаши фаоллари байрам арафасида Термиз тиббиёт коллежи ўқитувчи ва талабалари билан ҳам учрашув ўтказди. Мўзоботлик фермер А.Набиев ҳамкорлигида ўтказилган байрам тадбирида устуворлар ва ўқитувчиларга самимий табриклар билдирилди. Уларга «Адолат» СДП фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совгалари топширилди. Байрам дастурига санъат усталарининг чиқишлари яна файз қилди.

Энг муҳими, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши аъзолари вилоятимиз ва Республикада амалга оширилаётган ишхотларга сафарбарлик тўғриси билан яшаш зарурлигини яна бир қарар чуқур қилиб эшитди.

Р.ЧОРШАНБАЕВ,
«Адолат» СДП Сўрхондарё вилоят Кенгаши биринчи котиби

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Яхши сўз шифоси



Олтин куз саховати

Ичкилик касофати

Олмалиқ шаҳрида яшовчи Рустам Ашраповнинг спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда амалга оширган қатти-ҳаракати қўни-қўшниларга ниҳоятда қўматта тушди. Муқаддам 2 марта судланиб, амнияти туфайли жазодан омон қолган Рустамбой шу йилнинг 24 мартдан 25 мартга ўтар кечаси турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, аламини ичкиликдан олди. Ароқнинг касофатидан одам қиёфасидаги ваҳший ҳайвонга айланди. Хотини Қомила Ашрапова ва бола-чақасини, бақир-чақирдан ҳайиқиб уйига чиққан қўни-қўшниларни ҳам қўчага ҳайдади. Уйдаги қўрпа-тушакни ўртага уюб тонг пайти соат 04.30 да ўз уйига, яъни шаҳарнинг 8-март кўчаси 7-уй 1-хонадонга ўт қўйди. Натижада ўз уйи тугул, қўшниларнинг хонадонлари ҳам қўйиб қўл бўлди. Ёнгин оқибатида шу уйда яшовчи Ш.Мирзаалиева 3 миллион 710 минг сўм, С.Қодирова 4 миллион 850 минг сўм, С.Абдуллаева 3 миллион 195 минг сўм, С.Акрамова 2 миллион 10 минг сўм, О.Силченко 3 миллион 204 минг сўм зарар қўрган. Ёнгин ачинарлики, унинг 8-хонадонда яшовчи Роза Колесниковага меҳмонга келган Роза Оқолёлова ёнгин натижасида вафот этган. Фўқаро Рустам Ашраповнинг бу жиноятлари Олмалиқ шаҳар ҳўқуқ-тартибот органлари томонидан фўш этилди. Жавобгар Рустам Ашрапов ЖКнинг 173-моддаси 2-қисми «Б,В» банди ва 102-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланди ҳамда фўқарога етказилган зарари ундирилган бўлди. Р.Ашраповнинг оиласида содир бўлаётган қўнгилсизликлардан хабардор қўни-қўшнилар, маҳалла фаоллари керакли хўлоса чиқаришганида эди қўриқордаги қўни ноҳўш вазиет юзага келмасди.

Т.ТўХТАЕВ,
Олмалиқ шаҳар прокуратурининг ёрдамчиси

Шаҳар чирой очмоқда

Буюк ипак йўлида жойлашган қадим Марғилон шаҳри ўзининг 2000 йиллик қўлтуғ тўйига катта тараддуд қўймоқда. Шаҳарнинг Тошкент маҳалласида «Ал-Азим», «Увайсий» номлидаги маҳаллада «Манзур», «Ёрқин» маҳалласида «Юбилей» деб номланган замонавий андозалардаги озик-овқат савдо тармоқлари қўрилди. Айниқса, Бўрхониддин Марғилоний маҳалласида барча қўлайликларни ўзига муҳассам этган 43 хонали турар-жой бинолари қўрилиши поёнига етмоқда. Бу борадаги ишларда «Азот» ишлаб чи-

қариш заводи, «Кувадон», «Богдод дон» ҳўсдорлик жамиятлари, қатор пахта тўзалмағуна уларнинг кўнгли тиңчимади.

Салкам 40 йилдан бўён одамларнинг дардига даъво бўлаётган бу оқўнгил аёлга барчанин ҳаваси келади. Ҳамиша хўшчақчақ, ҳамиша самимий, қўли енгил шифокорнинг «айланайин» деган биргина сўзи беморнинг мингта дардида шифо. Қўпчилик унинг меҳрибонлиги бор дейди. Бўстон опа палатага қўйинлашверса, беморларнинг қўзи билан дили еришаверади.

Бўстон Баймбетова Тошкент Давлат Тиббиёт институтида таҳсил олган. Қўши тугаши билан опа жонажон юрти Қўнимеҳга қайтди. Бир неча йил жарроҳлик бўлимини бошқарган моҳир жарроҳ 1990-97 йилларда марказий шифохона бош шифокори лавозимида ҳам ишлади. Бор билими, тажрибасини, ташкилотчилик қўбилиятини ишга солди. Чўлда тезкор тиббий хизмат қўрсатиш чораларини қўрди. Туман марказидан 250-300 километр олисда жойлашган отарларда меҳнат қўлаётган чорвадорларга сифатли тиббиёт хизмати ташкил этди.

Бош шифокорнинг фидойилиги, тибиб-тиңчимаслиги туфайли тўқсонинчи йилларда Қўнимеҳда бирорта ҳам оналар ва болалар ўлими қайид этилмади. Бу натижага эришадиган ўзи бўлмаган, албатта. Опа тиңчимсиз изланишдан, кеча-ю кўндуз мутахассислар билан ишлашдан чарчамасди. Керак бўлса, вилоят, республикадан малакали профессор-шифокорларни жалб қўларди. Ўлим билан олишадиган инсонларга ҳаёт бағишлаш бахтини энг олий бахт деб ҳисобларди.

Бўғунги кўнда жарроҳлик бўлими бошлиғи сифатида меҳнат қўлаётган Бўстон Баймбетова тўнх кўн беморлар ҳолидан хабардор. Бу бўлимда белгиланган иш соатлари, иш вақти тўдади, дам олиш кўни деган ибора-

Расул Камол,
«Туркистон-пресс»

лар кам ишлатилади. Чўнки улар кўнига 24 соатлаб ишлашга ўрганиб қўлишган. Бемор тўзалмағуна уларнинг кўнгли тиңчимади.

— Йигирма беш ўринли бўлимда шошилиш операциялар амалга оширилади, — дейди Бўстон опа, — Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, қимсиз ошқўзони тешилганидан кейин

латлар шифокор учун зарурлигини менга устуворларим Облоқул Жўраев, Надежда Борисова, Зиёдулла Пардаевлар ўргатган.

— Баъзан турли йигинларда, ҳар хил давраларда оддий қўриқчани операция қўлишдан аввал пулини тўлашни талаб қўлган шифокорларни кўп гапириб қўлишди, бундай

ширмайлик, дейман.

Б.Баймбетова моҳир жарроҳ, яхши раҳбар, меҳрибон она, ажойиб бека, самимий дўст, обрўли маҳалла фаоли сифатида жамиятимиз эъзўзлаган, ҳўқуматимиз улуғлаган аёллар қаторига кирди. У аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини, оилада тиббий маданиятни ошириш зарурлигини тарғиб қўлишдан асло чарчамайди. Ҳамширалар Рўзигул Жўрақуллова ва София Чанбаевалар бўлимда ҳам тарғибот йўлида ҳам Бўстон опа билан бирга.



Бибигўзал Жумақова Миришкор туманидаги Помўқ қўргонда яшайди. Асли касби ўқитувчи бўлган Б.Жумақова айни пайтда тадбиркорлик билан шўғулланмоқда.

Этиборга молик жиҳати, саховатли тадбиркор аёл даромадидан кам таъминланган оилаларга доимий равишда моддий-маънавий ёрдам бериб келаётди. Яқинда у фахрий ўқитувчи Селби Гулйиева хонадонида бўлиб, совга-салом улашди.

жарроҳлардан нафратланишди. Шўндай пайтларда Гипократ қасамидини бузган бундай ҳамкасбларимиздан «Ҳўқуматимиз томонидан бизга яратилаётган имтиёзлар ва гам-хўрликларга жавобингиз шўми?» деб сўрагим келади. Шифокор деган улўғ номга, унинг оқ либосига доғ ту-

Маруза ҲОСИЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Тахририятга хат келди

Аризачи ёзишдан, тафтишчи текширишдан

тўхтамаса, корхонада наинки муҳит бузилади, ишлаб чиқариш ҳам оқсайди

Хўрматли тахририят!

«Мана бир неча йилдирки, «Навоийдонмаҳсулотлари» ҳўсдорлик жамияти вилоятдаги иқтисодий бакуват корхоналардан бири сифатида фаолият юритиб келади. Кейинги вақтларда биз ишчи-ҳодимларнинг ҳалол меҳнатимиз туфайли иқтисодий соҳаларда қўлга киритган ютуқларимиз ҳам ана шўндан далолат. Маълумки, ҳар бир ташкилотда жамоа бир ёқадан бош чиқариб баҳамжиҳатликда иш олиб бурса даромад ҳам барқалла бўлади. Афсўси, ҳаммаси рисолападиқдек кетаётган бир пайтда корхонамизда «ёз-ёз»лар бошланди, соғлом муҳитга пўтур етди. Ёз навбатидида бу корхонанинг иқтисодий ҳолатига ҳам жиддий таъсир қўрсатди.

Ҳагининг индолоси, «Навоийдонмаҳсулотлари» ҳўсдорлик жамиятига қарашли Навоий дон қабул қилиш масканида раҳбар лавозимида ишлаган Фўркат Тўраев ўз иш фаолияти давомида қатор қўнўнбузилишларга йўл қўйиб келган. Дон қабул қилиш масканида тафтиш ўтказилиб, 87 миллион сўмлик қамомад аниқланган. Навоий вилоят прокуратураси томонидан унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси, 3-қисми, «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилади. Лекин тергов жараёнида Ф.Тўраев жавобгарликдан қўчиб яширингани туфайли, вилоят прокуратураси унга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириб, қўнўн доирасидаги тадбирини қўлади. Албатта, бу масаланин ечимини қилиш кирк ёрадиган ҳўқуқ-тартибот органлари ҳодимлари топишди. Қим жиноятга қўл ўрган, эл-юртинг ризқ-рўзига қўз олайтирган бўлса, қўнўн олдиди жавоб

беради. Бўнга ҳеч шак-шўбха йўқ. Бизни масаланин бошқа бир жиҳати ўйлантириб келмоқдаки, сизларга мактуб ёзишимизга ҳам ана шу ҳолат туртки бўлди.

Ф.Тўраев қўнўнй жазодан яширинган, ўз турмуш ўртоғи Ҳ.Муродова билан биргаликда корхонамиз раҳбари устидан қўқори органларга турли шикоят хатлари ёза бошладиган. Натижада кейинги йил мўбайнида ҳўсдорлик жамиятимизда текширувчи келмаган кўн йўқ ҳисоби. Улар тўхтамона ариза ёзишдан, тафтишчилар корхонамиз тафтиш қўлишдан чарчашмаётди. Ишчи-ҳўзматчилар ўз зиммаларидаги вазифани бажаришдан қўра қўрқок текширувчиларнинг саволларига жавоб бериш учун вақт йўқотаётдилар. Шў ўринда яна бир қарра таъкидлаб ўтиш керакики, бу текшир-текшир, ёз-ёзларнинг барча барчаси корхона иқтисодий аҳволига кескин салбий таъсир қўрсатиб, даромадларнинг камайишига олиб келмоқда. Ахир халқимиз «бир кўн жанжал бўлган жойдан кирк кўн барака қўтарилади» деб бежиз айтмаган.

Қўзиги шўндаки, корхона фаолияти устидан ёзган фўқаро аризаси текшириладиган бўлиб ишотини топмаса, аризачи нисбатан чора қўрилмади. Мана бир йилдирки, ҳўсдорлик жамияти ишчи-ҳўзматчиларининг тиңини «ёз-ёз»лардан бузилган. Ушбу мактубимиз орқали корхона ҳодимларини қўйнаб келадиган муаммо барҳам топади, деган ўйимизда.

«Навоийдонмаҳсулотлари»
акциядорлик жамияти ишчи-ҳодимлари номидан
Ҳайдарова Д., Хидиров Д., Зарипов А.,
Тўлеева М., Ҳасанова М., Фахриддинова А.

Аҳвол

Ер меники, аммо

ундан фойдаланиш бошқалар ихтиёрида

... Мен бир неча йил аввал туманимиздаги «Дехқонбод-2» жамоа ҳўжалигидан фойдаланилмай келинаётган бир гектар ерни шартнома асосида ижарага олгандим. Шартнома шартига қўра, ўз маблагим ҳисобига мевали қўчат ва терак экиб парваришладим.

Орадан йиллар ўтиб, 2000 йил ширкат ҳўжалиги раиса номига яна 2 гектар ер қўшиб беришни сўраб ариза ёздим. Аризам ўша йилнинг 20 декабрь кўни ширкат ҳўжалигининг умумий йиғилишида мўҳома қўлинди. Унда йилсўни ўлаштириб сўв келтирганлигим, оилам билан ҳалол меҳнат қўлаётганимиз эътироф этилиб, менга ўлаштирилмаган йилсўн ердан қўшимча тарада 2 гектар майдондан 2009 йилгача ижара бериш мақсадига мўвофиқ, деб топилиди.

2003 йили ширкат ҳўжалигимиз деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига айлантирилди. Қарангки, тендер комиссияси шу пайтгача менга тегишли бўлган 306-контурдаги 0,9 гектар бог ва 3,4 гектар теракзорнинг ҳеч қимга билдирмаганидан «Тинч соҳил» фермер ҳўжалиғи ҳисобига ўтказилди. Тендер комиссиясининг ана шу қал-баки ҳўжатларига асосланган туман ҳокими Ш.Ҳўломов эса 2005 йил 10 майда бог ва теракзорларни фермер ҳўжалигига 50 йил муддатга ижарага

бериш тўғрисида қарор чиқарибди. Кўнлардан бир кўн «Тинч соҳил» фермер ҳўжалиғи раҳбари К.Алматов ҳўқимнинг қарорини қўлимга тут-қазиб, бу бог ва теракзор энди меники, қаргга борсанг боравер, деб дағдаға қўлгандан кейингина нече машаққатлар билан яратган боғларимиз бошқа бировнинг ихтиёрига ўтиб кетганини аниқладим.

Шўндан сўнг бир неча бор туман ҳўқимига учрашдим. Ҳеч бир натижа чиқмаган, судга мурожаат қўлдим. 2005 йилнинг 19 декабрида фўқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг судьяси О.Назаров раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида масала анча ойдинлашди. Иш ҳўжатлар, далиллар асосида илдин интисагача ўрганилди. Натижада «Тинч соҳил» фермер ҳўжалиғи раис К.Алматов «Фермер ҳўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қўлибни аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомига эид равишда танлов комиссияси аъзоси ва бўлишга қарамай ариза берган боғ, бўнга туман ҳўқимининг ва тендер комиссиясини томонидан шарт-шароит яратиб берилгани маълум бўлди. Иш менин фойдамга ҳал бўлди.

Туман ҳокими суднинг бу қароридан норози бўлиб, апелляция

шикояти ёзди. Шу йилнинг 24 январидида бўлиб ўтган апелляция инстанцияси асосий шикоят келтирилганини аниқлади. Алалхўс, ҳокимнинг апелляция шикоятини низоли ерни тендер асосида сотиш ҳақида газетада эълон берилгани, тендерда иштирок этиш ҳақида менга хабар қўлганини асосий вақ қўлиб қўрсатилган эди. Аслида эса судга қўлдим қўлгандан газета нусхасидаги эълонда «Аюм» қишлоғида сотиш режалаштирилган дархат ва узумзор қўрсатилган экан. Қўлаверса, тендерда қатнашмиш учун менинг хабардор қўлганданлигим важи ҳам ўз тасдиғини топмади. Шў ва бошқа далил ва ҳўжатлар асосида апелляция инстанцияси фўқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг ҳал қўлув қарорини ўз қўчиди қўлдирди.

Қўриб турганингиздек, салкам икки йил давомида идорама-идора, судма-суд югуриб, ҳақ эканлигини исботладим. Бирок, негадир, пешона терим билан яратган бог ва теракзорни менга қайтариш ханўзгача пайсалга солиб келинмоқда. Фермер ҳўжалиғи раҳбари К.Алматов эса теракларни кесиб сотишдан тўхтамаяпти.

Адолат ҚАРИШЕВА,
Пайарик тумани

Хотира

Устозга эҳтиром



Ўзбек адабиётининг атоқли номондаларидан бири, адабиётшунос олим, моҳир таржимон ва адиб, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, «Меҳнат шухрати», «Буюк хизматлари учун» орденлари соҳиби, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов билан видолашганимизга бир йилдан ошди. «Ҳаёт билан ҳамнафас», «Адабий уйлар», «Сардафтар саҳифалари», «Ижодни англаш бахти», «Истиқлол фидойилари», «Довондаги уйлар» каби китоблари, юзлаб мақолалари билан адиб ўзига мангу ҳаққал қўйиб кетди. Устоз ёш замондошларига, турли давр китобхоналарига Абдулла Қодирӣ, Чўпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимов, Зулфия, Миртемир каби миллий адабиётимиз даргаларини бутун буй-баста билан таништирди.

Умрининг сўнгги йилларида «Жаҳон адабиёти» журналарида бош муҳаррир сифатида самарали фаолият кўрсатган О.Шарафиддинов моҳир таржимон сифатида жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлмиш Оскар Уальд, П.Коэльо, Л.Тольстой, И.Бунин, Кобо Абэ, В.Биков, Ф.С.Аган, П.Мериме сингари ўнлаб ёзувчиларнинг 140 дан ортиқ асарларини маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилиб, маънавий хазинамизни янада бойитди. Айниқса, Элвин Тодфлернинг «Учинчи тўқтин», Игорь Буниннинг «Партиянинг олтинлари» асарлари ўзбек китобхоналари томонидан катта қизиқиш билан қўйиб олинди.

1929 йили Тошкентда таваллуд топган Озод Шарафиддинов ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини битириб, шу даргоҳда филология ва журналистика факультетларида қирк йил мобайнида ёш авлодга сабақ берди. Профессор

сифатида ўттизга яқин илмий ишларга раҳбарлик қилди. Бугун адабиёт майдонида қалам тебратётган атоқли адиб ва шоирлар, мунаққидлар, ёш қаламкашлар устоз Озод Шарафиддинов мактабидан сабоқ олганлари билан ҳақли равишда фахрланишарди.

Барҳаёт сиймонинг қутлуг номи ни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Ул зот мангу қўним топган пойтахтимиздаги Форобий қабристонига яқинда оила аъзолари, қавму қариндошлари, шогирдлари, ҳамкасблари, дўстлари зиёратга келишди. Бу ерда таниқли хайкалтарош, академик Тулган Тожихўжаев маҳорат ила яратган Озод Шарафиддинов бюстнинг очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов маросимни очар экан, буюк олим Озод Шарафиддинов ҳаёти ва ижоди, устоздан қолган маънавий мерос ҳақида тўқинла-ниб гапирди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расулов, шоир Мирпўлат Мирзо, олимнинг қизи Мухаббат Шарафиддинова ва бошқалар ҳам устоз ҳақидаги дил сўзларини изҳор этдилар. Маросим сўнгида тиловат ўқилди.

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов хотирасини ёд этиб, унга кўрсатилган бундай эҳтиром, аслида, адабиётимизга, маънавиятимизга бўлган эътибор, десак арзийди.

Тўқтин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси


Мулоҳаза

Сояда қолган савлат

Кузатиш, фикрлаш, мулоҳаза юри-тиш, хулоса чиқариш ва ёзиш учун туртки берган нарсани олдиндан айтиб қўяломай: нега аёллар ҳаётининг турли жабҳаларида анча оғир юмушларни ҳам уйда қолган бир пайтда айрим эркеклар енгил-елпи ишлар атрофида ўралашиб қолиш-япти? Сўзсиз, кимдир бунга жавобан: «Тирикчилик-да», дейиши мумкин. Тўғри, бироқ тирикчиликнинг эркекларга хос ва мос имкониятлари оз дейсизми?

Очиғи, баъзан серкатнов йўлақда тулғага тўрт-беш қўти папирос қўйиб, биров оларикидан, деб ўтган-кетганга термулиб ўтирган «азамат»-га кўзим тушганида, пештахта ортида болдоқ-узук ва ула-элик сотаётган олифгани кўрганимда ўйлаб-ўйимга етолмайман. Айниқса, бақувват ёш йигитлар катта-кичик савдо шохобчалари билан умумий овқатланиш тармоқларини бутунлай «забт» этаётганини қўриб ҳайратланасан киши. Аксариятнинг савлатидан от хурқади, ортиқча савол беришга, гап қайтаришга ботинасан. Нега улар «йигитман» деб кўкракларига уришадими, аслида ири-рик корхоналарда, қурилишларда, турли давлат ва нодавлат идораларида, шунингдек ижтимоий ҳаётнинг бошқа масъул жабҳаларида ишлаётган аёллар олдидан қўли бўлишаётганини ҳис этишмайди!

Ачинарлики, ҳозир бу биз учун гўё одатий ҳолга айланиб қолаётгандай. Аслида-чи? Менимча, ёмон ижтимоий асорат қолдирадиган жиддий масала. Негаки, енгил-елпи ишга ўрганган йигитда иродасиз, жа-вабгарликсизлик пайдо бўлади,



ундаги эркекка хос қатъиятлик сўнади. Бора-бора у хотинини ишлатиб, оилада болаларга энагалик қилишга ҳам рози бўлади. Жумладан, ҳозир ҳаётда хотинини «тижорат мақсадида» хорижага юбориб, ўзи оилада уй бекаси бўлиб ўтирган эркеклар пайдо бўлганлиги бор гап. Бу эса эркеклик ор-номусига мутлақо ярашмайди.

Яқинда бир қўрилиш идорасининг раҳбари билан суҳбатлашиб қолдим. У гап орасида шундай деди: «Бизда эркеклар билан аёллар ёнма-ён меҳнат қилишарди. Баъзан қурилиш ишлари олиб борилаётган жойларда ёш йигитлар қайта-қайта «перекур» қилиб, латифа айтиб, ўзаро гап сотиб ўтиришганини, уларнинг ёнларида эса аёллар замбилда гишт, бетон қоришма ташиётганликларини кўрганимда туюқиб кетаман. Ахир, бу йигит кишига хос эмас-ку!» Тан олайлик, бу каби маъна-рани ҳар биримиз ҳам кўрганимиз. Эриш туюлса-да, негадир одатла-ниб қолганмиз. Ҳар ҳолда эркек-

лар, айниқса, ёш йигитлар ўзлари-ни енгил ишларга уварвермасдан, дангасаликка қўниқиб қолмасдан бу тўғрида, яъни ўз ор-номуслари ҳақида ўйлаб қўришса ёмон бўлмасди.

Ҳозир хотин-қизлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол. Улар қаерда, ким бўлиб ишласин, келажаги буюк давлат қўриш йўлида-ги курашининг олдинги сафида бо-ришаётганини қўриб, ҳис этиб ту-рибмиз. Шу билан бирга улар ҳаёти-миз гуллари, оилада садоқатли ёр ва меҳрибон тарбиячи эканлигини унут-маслигимиз зарур.

Албатта, аёл киши ҳам, эркек ҳам, ёшлар ва катталар ҳам касб танлаш-да эркинликка эга. Бу борада бироқ ақл ўргатиш ёки йўл-йўриқ кўрсатиш ўринсиз. Шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда йигит кишининг тан-лаган касби унинг ҳисмига, қоби-ляти ва жисмоний қамолотига мос, ўзига муносиб бўлгани маъқул.

Иброҳим НОРМАТОВ,
«Туркистон-пресс»

Рамазон тўхфаси

Рўза — сабрнинг ярмидир

Айни кунлар — Рамазон ойи-нинг иккинчи ўн кунлиги мағфират кунларидир. Шу боис, қилаётган ибодатимизнинг қандай лугавий маънога эга эканлигига назар таш-лайлик. «Рўза» сўзининг арабчиси «саъм» бўлиб, тийилиш дегани. Яъни, Рамазон ойида кундузлари ейиш-ичиш ва шаҳватни тийиш, сабру тоқат қилиш даркор. Шу учун рўза-нинг бир исми сабрдир. Ушбу маъ-нонинг ўзбек рўза ибодатининг сабрдан иборат эканини ургўлай-ди. Зотан, ҳазрати пайгамбар: «Рўза сабрнинг ярмидир» деганлар. Шу-нингдек, рўзада Ҳақ таолонинг Са-бур (сабр қилувчи) ва Сомад (бе-ҳожатлик) сифатлари намоён бўла-ди. Аллоҳ таоло ўз кўзуридаги фа-ришталарига қараб: «Қаранг, бу бан-дам мен учун ейиш-ичишни ва шаҳ-ватини тарк этди!», дея рўзадор бандалари билан фахрланар экан.

Рўзадорларни маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларга хушхабар бериш маъносида бир қанча ҳадиси шарифлар ривоят қилинган. Чунки, ҳазрати пайгам-барнинг айтишларича, «Рўзадорнинг олдига хид Худонинг ҳузурига мушқу анбардан ҳам худшўр». Рўза-дорнинг икки хурсандчилиги бор: бири — ифтор пайтида бўлса, ки-чинчиси — Оллоҳга юзланганда экан. Шунингдек, «Ҳамма нарсанинг эшиги бор, ибодатнинг эшиги рўза-дир», «Рўзадорнинг уйуси ҳам ибодатдир», «Саҳарликка туринг, чунки унда барака бор», «Ифторда шо-ширда керак, чунки Оллоҳ таоло ифторда шошилган бандалар мен учун севилимдир», каби ҳадислар ҳам нақл этилган.

Рўзанинг яна бир муҳим жиҳати бор. Рўза кўринмайдиган ибодат, бошқа барча амалларнинг эса зо-ҳирий кўриниши бор. Шу боис,

уларда рўё бўлиш эҳтимоли бор. Рўзадорнинг тутган рўзасини эса фақат Яратганнинг ўзи кўради ва ажр-мукофотини ҳам зиёдадас бил-лан ўзи беради.

Маълумки, шайтон инсонни, асо-сан, шаҳват орқали йўлдан уради. Шаҳобиддин Суҳравардиннинг ёзи-шича, инсон вужудида ёмонликка элтувчи аъзолар бўлиб, булар шай-тоннинг қўлига боғланган экан. Ин-сондаги шаҳват еб-ичиш билан қув-ватланади. Инсон тўйиб еб-ичганида шайтон кенг имконларга эга бўлади. Лекин кам еса, рўза тутса, оч қолса, шайтон ҳаракат қилолмайди. Шунинг учун пайгамбар алайҳиссалом: «Қон томирларда оқиб юрганидек, шайтон ҳам инсоннинг ичида кезиб юради. Рўза билан шайтоннинг йўлларини тораптиринг», деганлар.

Рўза инсоннинг ичини ҳар турли моддий ва маънавий иллатлардан тозалайди ва сабр-машаққатга кўниктиради. Бишри Хофий: «Оч-лик қалбни поклайди. Хою-ҳавасни ўлдиради. Теран бир илм-ҳикматни юзага келтиради», деган бўлса, Шақиқи Балхий эса: «Ибодат бир ҳунардир. Унинг дўкони хилват, ас-боби эса очликдир», деган экан. Шу боис, Шаҳобиддин Суҳравар-дий: «Рўзадорлар очлик ва ташна-лик билан Оллоҳ томонига қараб саёҳат қиладилар», дейди.

Ҳадиси шарифда айтилишича, «Рамазон ойи кириши билан жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади. Шайтонлар кишанланади. Ниҳо қилувчи: «Эй хайр-саховат та-лабиди инсон, қани марҳамат қилиб кел!» Ҳай ёмонлик кетидан қўлиб юрган кимса, ёмонлигиндан воз кел!», дея ниҳо қилади». Ушбу даъ-ват яхшилик сари юриб, ёмонлик-лардан воз кечишга чорлайди.

Нодирхон ҲАСАНОВ



Ажиб ҳислар қалбни чулғатган,
Кулгулари ҳуб дилга ёққан.
Орзулари қўш қанот қоққан,
Шўх қизалоқ, шодон қизалоқ.

Футбол-тест

Ким? Қачон? Қаерда?

1. «Бразилия футбол делегацияси 1958 йили Швейцарияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида жўнаб кетаётганда, уйинчилар бош мураббий Ви-сенте Феоладан уни жамоа таркиби-га қўйишни илтимос қилишди. Қарангки, у ЖЧда жуда яхши ўйин кўрсатди. 1962 йилги мундиалнинг бошида Пеле жароҳат олгач, қий-шиқроқ Чилидаги чемпионатнинг асо-сий юлдузига айланади.» Қайси мо-зий юлдузи ҳақида сўз бормоқда?
А) Диди В) Кафу
С) Гарринча Д) Рональдо
2. Дунёдаги энг катта стадион қайси ва унга қанча томошабин сиғида?
А) «Олимпиястадион», 90 минг
В) «Маракана», 200 минг
С) «Уэмбли», 204 минг 590
Д) «Марин Фль», 199 минг 850
3. Патрик Агбо. Нигериялик бу футболчи мамлакатимизнинг қайси жамоасида ўйнайди?
А) «Пахтакор» (Тошкент)да
В) «Навбахор-Н» (Наманган)да
С) «Нефчи» (Фарғона)да
Д) «Насаф» (Қарши)да

Ўлмас ҳикматлар

Давлат нега қилмади?

Ривоят қилишларича, Давлат катта бир хонадонни тарк этар бўлибди. Хонадон соҳиби кўнни кўрган доғишманд бўлиб, у уч ўғлини уйлантирган, аҳилликда умргузаронлик қилишар экан. Шунда доғишманднинг хотини Давлатнинг кетишдан ҳафа бўлиб эрига дебди: — Бегим, Давлат хонадонимизни тарк этармиш. Сиз бунга розими-сиз? — Донийшманд узоқ ўйланиб, хо-тинидан сурабди: — Сураб билмадингми, биздан нимага ҳафа бўлибди экан. Сўнг давоим этибди: — Сен шун яхшилаб фикр қил. Мен уч ўғил, уч келин билан маш-варат қилиб қўрай. Ўша оқшом ойнинг сўтдек сир-ли ойдинда ўтган машварат узоқ қўзғилибди. Доғишманд аввал ўғил-ларининг бунга муносабатини би-либди. Сўнг келинларини сўроққа

тутибди.

— Давлатнинг кетар чоғи келган бўлса, нима ҳам дердим, кетса кета-версин, — дея қибраниб сўзига нуқта қўйибди катта келин.

— Мен ҳам Рўзвонбидиннинг сўзла-рига қўйишаман. Биздан ҳафа бўлган жойи бўлса қандай билмайлик, — деб-ди ўртанча келин.

Кенжа келин файласуфликка кўп мойил экан. Кўкдаги ой руҳсига термулиб шундай дебди:

— Майли, Давлат кетса кетибди-да, лекин қўлбазидан аҳиллик, ити-фок, меҳр-оқибат кетмасин.

Шунда эшик ортида қулқоқ со-либ турган Давлат даврадаги маш-варатга диққат билан назар ташлаб ичкарига қийиб келибди ва ваз-минлик билан:

— Иттифоқлик, меҳр-оқибат бор жойда мен абадий яшайман, — дебди.

Қутлуг остона

Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг Зиёвуддин Юсуф исмли кўркам, ақл-

заковатда ягона ўғли бор эди. Мир Алишер устози Жомий хонадонига ҳар гал ташриф буюрганда, Зиёвуд-дин унга пешвоз чиқарди.

Бир кун Навоий устози остона-сига қадам қўйиб, бир лаҳза тўхта-ди-да, Зиёвуддинга синовчан нигоҳ ташлаб, ҳазил аралаш суради: — Айт-чи, Зиёвуддин, сизларнинг уйингиз чиройлими ёки менинг уйим?

Зиёвуддин нуфузли меҳмонга эҳти-ром бажо этиб, таъзим қилди-да:

— Бизнинг уйимиз чиройли, улуг ҳазрат! — дея жавоб берди.

Алишер Навоий хўшнуд жилма-йиб, Зиёвуддиннинг елкасидан меҳр билан қучди. — Нечун бундай дейишга журъ-ат этдинг, ўғлим? Ахир, Билсан-ку, менинг уйим подшо саройига туташ, у ердан мушқу анбар уфур-иб туради!

— Биламан, устод, — деди Зиёвуддин. — Барибир, бизнинг уйи-миз чиройли ва кўркам. Сабаби шу-ки, бугун бизнинг хонадонимизга Сиздай буюк инсон ташриф буюр-ди. Дили пок, сўзи пок, қўзи пок

одамларнинг муборак қадами тек-кан остона қутлуг ва шарафли сана-лур, улар қадам ранжиди қилган хо-надонга бир умр етулик файз тўки-лур, устод!

Навоий Зиёвуддин Юсуфни так-рор бағрига босди. *Улулар ташриф этса, хонаи дил ободдир, Меҳмон бўлгуси, меҳман эса шаҳзодадир.*

Нидо

Гужум болта дастидан нолиб, фалакка нола қилди.

— Вой, жоним, бунчалар азобга қолмасам. Шафқатсиз болта дастидан дод!

Шунда фалак қариди нидо қайди: — Нега бунчалар нолисан? Қара-гин, сени чапаетган болта дастаси ўзингдан-ку!

Дарвоқе, болта сопи бегона эмас — ўз танасидан эди...

Ўздан чиққан балаго, Қайда борай давога? Олам хайрон то ҳануз, Шу азалий нидога.

Саломатлик сирлари

Мўмийнинг сертификати

Мўмий кўп касалликка даво дейишарди. Мен унинг фақат суяк синида ишлатишнинг биламан, холос. Бу сирли дорининг яна қан-дай ўзига хос жиҳатлари бор?

Н.ХАМРОЕВА,
самарқанд шаҳри

Мўмий қадим замонлардан бун-галх табиотида кўп касалликлар-ни даволашда ишлатилади. Мўмий — даво хусусиятлари кенг бўлган табиий антибиотик бўлиб, органи-змдаги касалликни ўзи «топиб» бар-тараф этиш хусусиятига эга. Мўмийнинг таркибида 28 гинг кимёвий элементлар, аминокислоталар, эфир мойлари, асалари захари бўлиб, у юздан ортиқ касалликларга даво-дир. Аммо, мўмийни сотиб олишда қалбақисига учраб қолиш мумкин. Шу боисдан дорихонада унинг сер-тификатини талаб қилинг.

Товонни асранг

Товон ёрилиши кўпчиликни но-қулай аҳволга солади. Айниқса, пойабзал қийиб юришга қийнала-сан киши. Бундан қутулиш мақсади-

да мутахассислар тез ва самарали йўлни таклиф этишган.

Қирғичдан ўтказилган қартошқа ёки сабзини қалин доқага ураб, то-воннинг ёрилган жойига 20 дақиқа қўясиз. Сўнгра илиқ сувда ювасиз. Муолажадан кейин зайтун ёғи сур-тиш аини мудоао.

Заҳардан қутулиш

Қовоқари ва сарик ари чаккан пайтда дарров нишини чиқариб таш-лаш лозим. Сўнг ароқ ёки пиёз ва саримсоқпиез суви билан артинг. Бу заҳарни сўриб олиш билан бир-га, шишини қайтарди, оргкни қол-дирди.

Илон ёки ит тишлаганда қора мурч ўсимлигининг барги ва ёш новдалари майдалаб қайнатил-ди, сарик тусли қуюқ малҳам пай-до бўлган, тишланган жойга сур-тилади ва у тезда заҳарни сўриб олади. Заҳарни сўриб олишда са-римсоқдан ҳам фойдаланиш мум-кин. Бунинг учун уни эзиб, ток-нинг қулига қўйиш, кейин сирка билан аралаштириш, чакқан жой-га қўйилади.

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгашининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

Таҳрир хайъати

Диплом
ТОШМУХАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали КЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазой
ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Қамол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
уриносари),
Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
руйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —
133-40-86
136-53-14
Факс —
133-40-86
Котибият —
136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими —
136-55-64
Хатлар бўлими —
136-55-64
Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими —
136-54-39
Иқтисодий ва саноат
бўлими —
136-54-39
Маркетинг ва реклама
бўлими —
136-55-96

Навбатчи
муҳаррир —
Бехбуд Ботиров
Навбатчи —
Носир Ҳайдаров
Саҳифаловчи —
Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан кўчириб
босиш фақат таҳририят
руҳсати билан амалга
оширилади.
t — Мазкур белги остида
тижорат мақолалари
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят
компьютер марказида
териди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 1200
Ҳажми — 2 босма табоқ,
Офсет усулида
босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 1270

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума кунлари
чиқади.

Босишга топшириш вақти
— 20.00
Босишга топширилди
—